

---

Беморларга даволанишлари учун "Саҳоват ва кўмак" жамғармаси томонидан 20 млн. сўмга яқин маблағ ажратилди

*Туман ҳокими ва сектор раҳбарлари томонидан ўтказилган қабулларда даволаниш учун моддий ёрдам сўралган мурожаатлар туман Кенгаши депутатлари томонидан ўрганилди. Туман Кенгаши сессиясида тасдиқланган рўйхат асосида маблағлар ажратилди.*

*Тошлоқ тумани ҳокими А.Джурабаев ва кенг жамоатчилик вакиллари иштирокида 20 га яқин беморлиги бўлган, оғир хасталикка чалинган фуқароларга моддий ёрдамлар топширилди.*

*Туман ҳокими ногиронлиги бўлган, ижтимоий ва моддий кўмакка муҳтож фуқаролар билан суҳбатлашиб, ҳеч ким меҳрдан ва эътибордан четда қолмаслигини таъкидлаб ўтди.*

*Ҳар бир фуқарога туман "Саҳоват ва кўмак" жамғармаси томонидан зарурий маблағлар ажратилди. Фуқаролар эътибор ва ғамхўрликдан мамнун бўлишиб, ўз миннатдорчиликларини билдирдилар.*

*Туманимиз бўйлаб бундай ҳайрли ишлар саҳоватпеша инсонлар, тадбиркорлар томонидан давом эттирилмоқда.*

2021-10-20 10:23:46